



Сарой ўйинлари игво ва фитналар натижасида тахт талашиш авжига чикиб, Хива хони тожини кийишга хавасмандлар кўп эди. Ана шундай талатўплар замонида сарой амалдорлари ичида Муҳаммад Амин инокнинг кўли узун бўлиб, у 1743 йилдан бошлаб инок лавозимини кўлга киритганданок, хукмдорларга ўз таъсирини ўтказиб юрди. Натижада унинг бойлиги ошиб, амалда давлатни у бошқара бошладики, қолипига тушмаган хонни турли йўллар билан тахтдан тушириб кўядиган даражага етди. Шу боисдан 1743-1792 йиллар орасида йигирма хон тахтга ўтирди. Улар орасида нафақат икки-уч йил, балки бир-икки ой, хафта, хатто ярим кун хон бўлганлар ҳам бор эди.

Орадан йиллар ўтиб, 1790 -1792 йиллар оралигида кексайиб колсада, хукмдорлар жоловини ўз кўлида тутиб турган Муҳаммад Амин инокнинг кўзи ожизланиб, хатто якин атрофии ҳам яхшироқ кўролмайдиган бўлиб қолади. Қариб, гўр чакириб турган кекса инок шунда ҳам яна кўз нуруни тиклаш умидида, 1792 йил Петербургга борган элчи ва савдогарлар орқали Россия императоридан инокни даволаш учун кўз дўхтирини юборишни илтимос қилади. Негаки, хивалик сарой табиблари кекса инокни даволай олишмаганди. Хоразмнинг бошқа худудлари ёки шарқ давлатларидан табиб олдиришга инок чўчирди. Чунки, кўп йиллар тахт хавасмандларини жаханнамга юбориб, игво пешвоси даражасига етган кекса чол, ўзиниям кимдир кўз даволашни бахона қилиб, фитна уюштириши мумкин деб ўйлаганди.

Ана шу тарика инок илтимосига кўра Петербургдан 1793 йил Хивага харбий шифокор, кўз дўхтири майор Бланкенагель ташриф буюради. Бу вақтда Россия императори маълуму машхур Екатерина иккинчи эди.

1762-1796 йилларда Россияга хукмдорлик қилган, асл исми София Фредерика Августа Цербетская бўлган, немис князлари авлодидан бўлмиш бу аёл 1744 йилдан Россия императори Елиза-ветта Петрова паноҳига келгач, православ динига ўтган ва Екатерина Алексеева номини қабул қилганди. Орадан оир йил ўтиб, у Пётр III га никоҳланади.

Бир мунча вақт ўтиб, 1762 йил 28 июн куни у эрини гвардиячи офицерлар ёрдамида камокка олиб, Сарой тўнтариши қилади. Шу тарика у Екатерина III номи билан тахтга ўтиради.

У хам хукмдорлик пайтида мустамлакачиликни давом килдириб, Украина ва Беларуссиянинг бир кисмини босиб олади, рус флоти Кора денгизгача чиқади. Доимо жазманлари билан банд подшо хоним дворянлари ҳуқуқларини кенгайтиргани ва уларга имтиёзлар беравериши натижасида оддий халк ахволи ёмонлашиб, 1773-75 йилларда Пугачёв бошчилигида кўзголон бўлиб ўтганди. Емельян Пугачёв кўзголови Оренбургдан козок чўлларигача бўлган худудни камраб олиб, ушбу исёнда кўплаб Ўрта Осиёликлар хам иштирок килишганди. Маълумки, ўша вақтларда Хива хонлигининг энг кизгин савдо йўли Оренбург оркали бўлган. Бу эса кўзголон боис иккала давлат ўртасида савдо ва дипломатик алоқаларининг тўхтаб қолишига сабабчи хам бўлганди.

Кўз дўхтири майор Бланкенагельни Хива хонлигига юборишдан кўзланган мақсад хам аввало кекса инокни муолажа килиш билан бирга, савдо алоқаларини тиклашга дойр музокаралар олиб бориш ва энг асосийси хонлик ҳаётини Россия манфаати нуқтаи назаридан синчиклаб ўрганиш эди.

Екатерина II мўгул босқини, Бекович Черкасскийнинг фожи-али ўлимини эслаб, «Шарқликлар... уф... улар билан эҳтиёткорона муносабатда бўлмоқ керак... яратганнинг ўзи асрасин» деб кўярди ахён-ахёнда.

Хуллас, подшо олияларининг элчиси, кўз дўхтири Бланкенагель Оренбург оркали Хивага гашириф буюради. Табиийки, элчини олийнасаб кишиларга хос тарзда кутиб олиб илтифот кўрсатишади ва унинг ўзи хамда хамроҳларига Хивадалиқ пайтида эҳтиёжи учун керакли даражадаги пул хазинадан ажратилади.

Кўзи ожизланиб қолган фитнакор Мухаммад Амин инок олдинига эҳтиёткорлик килиб, майор Бланкенагельга хам шубҳа билан қарайди. Шу боис уни табиблар тилмоч оркали тиббиёт бўйича суҳбатлашиб синаб кўрадилар.

Нихоят Бланкенагель сўровларга тўғри жавоб бериб, кекса инокнинг кўзини муолажа килиб оз бўлсада тузатади. Бу вақтда Хива хони Абулғози I бўлиб, Ахмаджон Табибийнинг «Тавроихи ул-хоний» асарида ёзилишича, хукмдор корапаранг, кўса киши бўлган. Табиийки, майор Бланкенагель Абулғозихон билан хам мулоқатда бўлиб, иккала давлат ўртасидаги савдо алоқалари бўйича суҳбатлашади. Хива хони майорга кетиш пайтида Россияга ўз элчисини кўшиб юборажаклигини айтади. Бу ҳақда Бланкенагель шундай ёзади: «Тиббиёт бобидаги мулохазаларим тўғри чиққанидан кейин, элчи килиб қимни мен билан юборишларини билишни талаб қилдим. Каминанинг бу талаби турли кенгашлар чакирилишига сабаб бўлди. Аммо жўнашимдан икки ҳафта олдин элчи килиб Аваз Мухаммадбий тайинланган экан».

Бу орада Бланкенагель Хивада бўлиб, қалъанинг заиф томонлари, халқ ҳаёти ва хукмдорларга муносабати, сув йўлларини чуқур ўрганиб чиқади. «Хива фуқароси турли-туман уруғларга бўлинади, улар бир-бирларига доим қушанда. Бу уруғлар орасида халқнинг кўпи кўнгирот уруги бўлиб, ҳозир ҳокимият тепасида ўшалар ўтирибди. Кўнгирот иноки Хива халқини идора қилади, унинг ҳузурида «девоң» бор».

Хуллас, Екатерина II нинг элчиси, кўз дўхтири Бланкенагель Хивада ўз ишини бажариб, инокни даволаб ундан беҳисоб совға саломлар олиб, хукмдор билан савдо алоқалари бўйича музокара ўрнатиб, хоразмлик элчи Аваз Мухаммадбийни Екатерина II билан учраштирмоқ ниятида хазрати олиялари ҳузурига ошиқади.

Орадан кўп ўтмай кекса Мухаммад Амин инок вафот этади. 1796 йил бўлса Бланкенагельни Хива хонлигига юборган Екатерина II 67 ёшида ҳаётдан кўз юмади.

Кўз дўхтирининг Хоразмда кўрган-кечирганлари эса воҳа тарихини ўрганишда таккослаб ўрганадиган манба («Путевие заметки майора Бланкенагелья о Хиве, Поездки его из Оренбурга в Хиву 1793-94 г» СПб, «Вестник» РГА, 22 том, 96-116 бет-лар) сифатида тарихда колди.

Умид Бекмухаммад